

# Беш ташаббус олимпиадаси мини футбол мусобақасининг Термиз туман босқичи бўлиб ўтди



30 июнь - “Ёшлар куни” муносабати билан турли маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилмоқда.

Туманнинг “Қорахон” маҳалласи ҳудудидаги мини футбол стадионида "Беш ташаббус олимпиада"си доирасида мини футбол мусобақасининг Термиз тумани босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақада 4 та секторда ўтказилган мусобақада ғолиб бўлган 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўсмирлардан таркиб топган жамоалар иштирок этишди.

Мусобақа якунига кўра:

Термиз тумани 1-сектор ҳудудидан “Янгиер” маҳалла жамоаси,

Термиз тумани 3-сектор ҳудудидан “Янгиобод” маҳалла жамоаси,

Термиз тумани 2-сектор ҳудудидан "Дўстлик" маҳалла жамоалари фахрли ўринларни эгаллашди.